

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 4 июлдан чиқа бошлаган.

№ 277 (7. 366)

1990 йил 4 декабрь, сешанба

Баҳоси 3 тийин.

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи Президентининг

## ФАРМОНИ

### ИТТИФОҚДОШ ЖУМҲУРИЯТЛАРДА МУДОФАА МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН АЙРИМ ХУЖЖАТЛАР ҲАҚИДА

ССЖИ Конституциясининг 73-моддасига мувофиқ ССЖИ суверенитетини ҳимоя қилиш, давлат chegarалари ва худудини қўриқлаш, мудофааи ташкил этиш ва ССЖИ Қуроли Кучларига раҳбарлик қилиш ССЖИ Иттифоқи ихтиёридадир. 1990 йил 26 апрелда қабул қилинган «ССЖИ Иттифоқи билан федерация субъектлари ўртасидаги ваколатларни фарқлаб қўйиш тўғрисида»ги ССЖИ Қонунда ҳам худуд шундай қоида мавжуд.

Бироқ айрим иттифоқдош жумҳуриятлар мазкур масалалар шартнома билан тартибга солинишини кутмай, ССЖИ Қуроли Кучларининг фаолияти тўғрисида ССЖИ Конституциясига ва ССЖИ қонунларига эид қонун хужжатларини қабул қилмоқдалар.

Фуқароларни ҳақиқий ҳарбий хизматга чакришига тааллуқли хужжатлар алоҳида ташвиш уйғотмоқда. Бу хужжатлардаги жумҳуриятлар фуқароларининг хизматни тегишли жумҳурият худудига ўтказиш тўғрисидаги қарорлар, шунингдек ҳарбий хизматдан бош тортишни ва ССЖИ Қуроли Кучларидан, чегара, ички қўшинлар ва ССЖИ қонуниларида кўзда тутилган бошқа қуроли бўлиналарида қочини амалда рағбатлантирувчи чоралар, ҳарбий хизматдан бўйин товлаганлик учун умумиттифоқ қонунда кўзда тутилган жавобгарлини беқор қилиш аслини олганда «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги ССЖИ Қонунини бажаришга қарши қаратилган.

Кейинги пайтда бошқарув ҳокимияти идораларининг ССЖИ Иттифоқи қонунлари билан уларнинг зиммасига мамлакат мудофааси масалалари юзасидан юратилган бошқа мажбурият қонунлари бажармаслик ёки тегишлича бажармаслик ҳоллари кўпайди.

Буларнинг ҳаммаси ССЖИ Қуроли Кучларини шахсий состав билан тўлдиршига салбий таъсир қилмоқда. Совет давлати учун ҳаётий муҳим бўлган унинг мудофаа қобилияти масалаларини ҳавф остида қолдирмоқда.

Ўқорида айтилганларни

хисобга олиб, ССЖИ Конституциясининг 127-моддаси 1 ва 2-бандларига асосан қўрор қиламан:

1. ССЖИ Конституциясига ва 1990 йил 24 октябрда қабул қилинган «ССЖИ Иттифоқи қонунлари ва ўзга қонун хужжатлари амал қилишини таъминлаш ҳақида»ги ССЖИ Қонунига мувофиқ иттифоқдош ҳокимияти органларининг мудофаа масалалари юзасидан ССЖИ Иттифоқининг амалдаги қонунлари эид келадиган хужжатлари қондалари қабул қилинган пайтдан бошлаб ҳуқуқий кучга эга эмас ва давлат ҳамда жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мумкин эмас.

2. ССЖИ Вазирлар Кенгаши ССЖИ Конституциясининг 134-моддасига асосан иттифоқдош жумҳуриятлар Вазирлар Кенгашиларининг мудофаа масалаларига доир ССЖИ Конституцияси ва ССЖИ қонунларига мос келмайдиган қарорлари ва фармойишларини иккун эътиҳи тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги масалани қўриб чиқсин.

3. ССЖИ Мудофаа вазирлиги, ССЖИ Ички ишлар вазирлиги ва ССЖИ Давлат хавфсизлиги комитети ССЖИ Конституциясига, ССЖИ халқ депутатлари съездининг, ССЖИ Олий Кенгашининг, ССЖИ Президенти ва ССЖИ Вазирлар Кенгашининг хужжатларига қатъий мувофиқ равишда ССЖИ Иттифоқи мудофаа қобилитини ва хавфсизлигини, ССЖИ Қуроли Кучларини, ички ва чегара қўшинларини фаолиятини таъминлашга доир ишларни олиб боришлар.

4. ССЖИ Иттифоқи прокуратураси мамлакат мудофааси масалаларига доир ССЖИ Иттифоқи қонунларини бажаришдан бўйин товлаган мансабдор шахслар ва фуқароларни жавобгарликка тортишни таъминласин.

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи Президенти **М. ГОРБАЧЕВ.** Москва, Кремль. 1990 йил 1 декабрь.

Тошкент— жаҳонга

Ҳозир жумҳуриятининг турли бурҷакларида бозор иқтисодиётига ўтиш учун қизғин ҳозирлик кўрилямоқда. Шаҳринидаги кўпгина корхоналар хорражада иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун шартномалар тузишмоқда. Жумҳуриятининг пойтахтидаги корхоналар томонидан тайёрланаётган маҳсулотларга талаб ортиб бормоқда.

### БУЮРТМАЛАР БАЖАРИЛМОҚДА

○ ССЖИ 50 ИЛЛИГИ юмилди «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси халқро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқаришни ташкил этиш нағи жасида самарали ютуқларни қўлга киритмоқда. Бирлашма жаҳоннинг 38 мамлакатига пахтачилик учун мўлажалланган трактор ва ҳосилини қопланорси ташийдиган тележалардан таъказиб бермоқда.

Бугунги кунда бирлашманин экспорт бўлимида жаҳоннинг қайси мамлакатларидан олинаётган буюртмалар қандай бажарилаётганини харитада яққол кўриши мумкин.

БУТУН озодлик ороли — Кубага ва Афғонистон республикасига ўнга яқин трактор ва ўзи туқадиган тележалар юборилди. Йил охирига қадар Вьетнам, Кампучия ва Монголия каби бир қатор хоржий мамлакатларининг ҳам буюртмаси бажарилади. Бу жумҳуриятининг тракторсозларининг маҳсулотларига бўлган талаб ортиб бораётганининг яққол намунаси.

### ЎТТИЗ МАМЛАКАТГА

○ УРТА ОСИЕ кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентдаги бош корхонасига валюта жамғармасини ошириш учун тижорат маркази ишлаб бошланди. У бевосита хоржийдаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш иши билан шуғулланади.

Марказининг асосий вазифаларидан бири бирлашманин ширкатларида тайёрланаётган маҳсулотларини, истеъмол буюмларини тижорат қилиш, қарқон товарларини кўпайтиришга ёрдам бериш ва харидор топшириди. Бундан ташқари хоржий мамлакатлар билан ҳамкорликда корхонада ишлаб чиқариш фирмаларини ташкил этишидир. Бирлашмада ташкил этилган, Совет-Хитой қўшма корхонасини жадаллаштириш учун бугунги кунда корхонанинг бир гуруҳ аъзолари Хитой Халқ Жумҳуриятида меҳмон бўлиб туришди.

БУТУН корхона меҳнаткашлари жаҳоннинг ўттиз мамлакатига ўз маҳсулотини юбормоқда.

### ШАКАРҚАМИШ-КОРЛАГА

○ БУТУН жаҳонга машҳур бўлган «КУ-02» муҳрли қанон ўрадиган комбайнларининг бир туркуми Куба шакарқамишкорларига юбориш учун тахт қилиб қўйилди. Қишлоқ хўжалиги давлат ширкат комитетининг таърибга таъмирлаш заводи жамоаси хоржий мамлакатлардан олган буюртмасини ўз вақтида адо этмоқда.

Корхона жамоаси жумҳурият хўжалиқларининг техникаларини сифатли таъмирлашда ва эҳтиёт қисмларини ўз вақтида етказиб беришда ҳам жонбозлик кўрсатмоқда.

### ЖУДА НАФИС

○ «УЧҚУН» тўғимачилик атторлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулот сифатини яхшилаш бораётиб амалга ошираётган ишлари ўз самарасини бермоқда. Шуниси қувончлики, бирлашма ўз маҳсулотларини билан хоржий мамлакатларда ҳам яхши танилиб қолди.

БУТУН бу ерда 78 минг сўмлик тўғимачилик-атторлик маҳсулотлари, 92 минг сўмлик халқ истеъмол буюмлари, 95 минг сўмлик шартнома бўйича маҳсулотлар тайёрланмоқда. Яқинда Югославиядаги «Центротекстиль» корхонасини билан ҳамкорлик ўрнатилди. Энди бирлашмада тайёрланаётган янги халқ маҳсулотларининг бир қанчаси жуда нафис кўринишда тайёрланмоқда. Бу бейирим маҳсулотлар «Центротекстиль» корхонасини орқали Югославиянинг савдо шохобчаларида сотилмоқда.

### Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИ ДИЛЕГАТЛАРИ ДИЛЕҚАТИГА!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон Коммунист партияси XXII съездининг иккинчи босқичи 1990 йил 7 декабрь кунини соат 10.00 да Санъат саройида очилишини маълум қилади. Съезд делегатлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар заллида шу йил 5 декабрь кунини соат 9.00 дан 17.00 гача ва шу йил 6 декабрь кунини 14.00 дан 19.00 гача рўйхатга олинади.

### Меҳнат

#### жамоаларида

#### Яқун ясалди

Бирлашмаида 1020 нафар комсомол аъзоси, 20 дан зиёд комсомол-ёшлар бригадаси мавжуд. Ишлаб чиқариш соҳасида комсомолнинг роли юзуда катта. Шунинг учун бўлса керак оммавий тадбирларимиз ва аниқмаълумлигимиз комсомол-ёшларга ўтмайди. Октябрь ойи мусобақаси ҳам комсомол-ёшлар бригадаларининг ютугини аниқлашга қаратилди. Унда Гулячхара Раҳматиллаева бошлиқ 14-бригада режани 112 фоиз қилиб адо этганлиги учун биринчи ўринни қўлга киритди. Бу бригадада 18 киши меҳнат қилади, шундан 12 таси комсомол аъзоси. Аҳид ва иноқ бригадалардан бири ҳисобланади.

Иккинчи ўринни 107 фоизга адо этган Дилбар Абдуллаева, учинчи ўринни Саодат Ҳасанова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадалари режани 105 фоизга адо этганликларини учун қўлга киритди. Айни кунларда ҳам уларнинг иш фаолияти қизғин паляда.

А. ЖУМАЕВ, «Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол кўмитаси котиби.

#### Болалар

#### уйига маблағ

#### ажратилди

○ «МАЛИКА» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ўн бир ойлик режани муваффақиятли адо этиб, аҳолига янада сифатли маҳсулот етказиб беришга эришмоқда. Хоржий мамлакатлардан келтирилган ва корхона хелларига ўрнатилган янқозлар тўғрисида белгилаган ширканин орғини билан бажаришмоқда.

Яқинда корхона жамоаси ўз ота-оналарига инқита булар уйига 50 минг сўм пул ўтказди. Бундан ташқари бирлашма жамоаси кексалар учун ажратилган бинонини тўла таъмирдан чиқарди.

#### 500 МИЛЛИОН

#### дона калиш

#### тайёрланади

○ «ЎЗБЕКРЕЗИНОТЕХНИКА» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишга тушириш билан биринчи маҳсулотини намунасини тайёрлади. Янги корхонага замонавий янқозлар ва Чехословакиядан келтирилган ускуналар ўрнатилган. Ҳозирча бу янқозлар ердаида бир йилда беш миллион дона калиш ишлаб чиқариш мўлажалланмоқда. Корхона 1992 йилда тўла лойиҳа асосида ишлашга ўтади.

Унгача 500 кишидан иборат бўлган жамоа аъзолари жумҳуриятимиз аҳолисини учун жуда зарур бўлган бу миллий калишларини тайёрлаш учун керак бўладиган ноёб патак ва унга шайлашадиган маҳсулотларни топшилади. Янқозларнинг мукамал ишлаши учун ундаги барча камчиликларини бартараф этишлари керак бўлади.

Уй-ойларини лойиҳаловчилар ҳам жиддий эътирозлар билдириди. Улар уй-ойларини лойиҳалашта ердаида ахлатни механализм билан олиш шартномага ярашсини унутиб қўдилар. Тўғиз қаватли биналар лойиҳаларида кўзда тутилган ахлат тўловчи камераларга ахлатни фақат қўлда ағдариш мумкин.

Шаҳар иқроия кўмитаси бу масалани ҳар тарафлама муҳомаа қилиб, пойтахтни озода қилишга қаратилган кенгайтирилган қарор қабул қилди. Унда барча ноҳия иқроия кўмиталари, корхона, ташкилот ва муассасалар, маҳалла кўмиталари, Тошкентнинг барча аҳолиси олдида бу соҳада турган вазифалар кўрсати берилди.

Тошкент шаҳар Кенгаши иқроия кўмитасининг мажлисида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

#### А. АЛИЕВ.



○ ШАҲРИМИЗДАГИ фурунтура ва технология янқозлари ишлаб чиқариш бирлашмасида ёш ишчилар кўнлаб топилади. Улардан бири сиз суратда кўриб турган Маъмура Шаражатова 5 йилдан бери ана шу корхонада меҳнат қилади. Т. Каримов сурати.

### Тошкент шаҳар Кенгаши иқроия кўмитасида

# ПОЙТАХТ ТОЗА БЎЛАДИМИ?

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши иқроия кўмитасининг 30 ноябрда бўлиб ўтган мажлисида энг долзарб масалалардан бири — пойтахтнинг санитария аҳволи, бу борада илгари қабул қилинган қарорларнинг иқроси муҳомаа қилинди. Мажлисини шаҳар иқроия кўмитасининг раиси О. Ҳ. Аскарлов олиб борди.

Кун тартибиданги масалани муҳомаа қилиш голт қизғин ўтди. Мажлис қатнашчилари шаҳар ободлаштириш бош бошқармасининг бошлиғи М. 3. Зубаров, район иқроия кўмиталари раислари, ишлаб чиқариш турар жойи фойдаланиш бирлашмаларининг бошқилари, шаҳар хўжалиғини бошқа раҳбарларининг ҳисоботларини тингладилар. Муштарийларимиз шаҳар тобора янқозлашиб бораётганини, айниқса маншнинг ахлатлар кўпайётганини, дараклар янқозлари ва ахлатларини ёқиш пойтахтликлар саломатлигига хавф солаётганини яхши билдилар. Таъхириятимизга келадиган маҳсулотларнинг кўпчилиги бундан далолат беради. Улар «Оқшом» саҳифаларида мунтазам чоп этилаётган.

Мажлисида ҳисоб берганлар бу ҳақда ўз-ўзини танқид руҳида эҳтирос билан гаширдилар. Улар айниқса мажлис қатнашчиларини чиқиларини тинглар эканми, баъзан бегуноер умумий бу муаммоларни ҳал этиб бўладими, пойтахтда тозаланиш таъминлаш имконияти борин, деган саволлар ўнга келди.

Кейинги йилларда шаҳар худуди анча кенгайди. Бироқ, ахлатни йиғиб оладиган ва ташийдиган техника воситалари, улар учун эҳтиёт қисмларини ҳарид қилиш эса сезиларли даражада қамайди. Ҳозир авто-

дормехбаазаларда бу ерда ишловчилар учун оддий шарт-шароитлар ҳам йўқ. Таъмирлаш устахоналаридаги аҳвол эса янада янқичидир. Кейинги пайтда шаҳар уй-жой бошқармаси ходимларининг маоши қарийб уч баравар ошгани қоролулар ва фарроилар меҳнатига ҳақ тўлаш аввали паст даражасида қолди. Натияжада бу ташкилотларда ишловчи ходимлар кўнмисизлиги кескин ортди. Бугунги кунда шаҳар хўжалиғида 800 нафар юк ташувчи, 200 нафар ҳайдовчи, 100 нафар авто-сесар ётишмайди.

Шаҳарни тозалаш хизматларининг ҳозирги талабига мос эмаслиги тўғрисида, айниқса кўшимча қилиш ҳақида кўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Одатда бунинг учун миллионлаб сўм пул сўралади. Бундан маблағ, меҳнатчилар бўлса шаҳарни ҳам тозалаш яхшиланади, деган худоса чиқарди. Лекин биз бугун ҳамманан шаҳар бу мисолларга кўп маблағ тополмаслиғи, ҳатто янги орада бунга умид қилиш мумкин эмаслигини биланми. Ана шундай шароитда пойтахтнинг қандай қилиб тоза сақлаш мумкин ёки кўча ва хибоблар ахлат тўлаверадими?

Мажлисида расмий қилувлар тасдиқор ва тақдор таъкидлагандек, ҳозирги моддий камчиликка қарамадан мавжуд имониятлар даражасида ҳам шаҳарнинг тоза, намунали ҳолда сақлаш мумкин. Тарих энг таҳликли пайтларда ҳам йирин шаҳарлар озода бўладигани ва бу ерларда юкмили касалликлар тарқатадиганидан кўп марта тавоҳлиқ берган.

Ҳозирги аҳволдан чиқсининг йўли жўн: биз шаҳаримизни идоки борича қамроқ ифлос қилиб, уни яхши-

роқ тозалашимиз даркор. Бу осонгина вазифани амалга оширишда шаҳар фуқароларининг ҳар бири фаол иштирок этиши, шаҳар хизматлари эса масъулиятларини янада кўзурроқ ҳис қилишлари лозим. Бу масалаларда пойтахтликлар турмуш маданияти савиясини ошириш, айниқса, муҳимдир. Албатта, юксак турмуш маданиятига эвоқ даражасида тарбия қилиш зарур. Шундай бўлишига қарамадан санитарию маданиятини ошириш учун таъхириятимизни, пилтосини кўпайтириш катта аҳамиятга эга.

Маълумки, кўпгина юксак тарақий этиган мамлакатларда аҳолини маданиятга даъват қилиш билан чекланиб қолмасдан, фуқароларга патталарини ёки сигарета қолдиқларини тўғри келган жойга ташлашларини учун ҳеч мурасииз жарима солинадими. Бизнинг шаҳримизда ҳам санитария маданиятини ошириш соҳасида айрим мисоллар йўқ эмас. Масалан, Кудобшев ноҳиясида ахлатнинг 80 фоизи шаҳар кўчаларини нисбатан қамқатнов бўладиган тўғи пайтда ташланади. Бутун дунёда ҳам худди шундай қилишди. Ноҳияда жаҳон таърибаси асосида иш тутиш ахлат ташувчи машиналар умумини икки баравар ошириш имконини берди. Ушбу хизмат ходимларининг ўз иш натижаларидан манфаатдорликларини кўпайтириш мақсадида улар талаб ва эҳтиёлларига кўнлаб эътибор берилдиган бўлди. Жумладан, ахлат ташувчи машиналар ҳайдовчиларига 10 та квартирак ажратилди. Ҳайдовчилар меҳнатига ҳақ тўлашни кўпайтириш имкониятлари ҳам изланилти. Кўпгина қаршиликларга, шу жумладан ҳуқуқ-тартибот органларини қаршиликларига қар-

рамадан, ноҳия иқроия кўмитаси ахлатни ташиб кетиш учун аҳолидан ойната аввалги 8 тийин ўринга 25 тийиндан ҳақ оладиган бўлди. Ноҳия корхона ва ташкилотларига уларга бириктирилган худудларни тоза сақлаш учун талаб ҳам қўйилди. Табиийки, уларнинг ҳаммаси энчиқ ва собитқадамлик билан ҳаётга талбиқ қилинган тақдирдагина қўзланган натижани беради.

Шаҳар иқроия кўмитасининг мажлисида пойтахт суғорини хизмати иш сифатини ошириш масаласини ҳам алоҳида эътибор берилди. Ҳозир бу хизмат қарамонига 3150 километр узунликда суғорини тармоқлари бор. Улар Тошкентнинг уч ярим мингдан кўп-роқ кўчалари ёқалари бўйлаб ўтади. Афсуски, бу суғорини тармоқларининг атиги 40 фоиз суғорини учун яроқлидир.

Уй-ойларини лойиҳаловчилар ҳам жиддий эътирозлар билдириди. Улар уй-ойларини лойиҳалашта ердаида ахлатни механализм билан олиш шартномага ярашсини унутиб қўдилар. Тўғиз қаватли биналар лойиҳаларида кўзда тутилган ахлат тўловчи камераларга ахлатни фақат қўлда ағдариш мумкин.

Шаҳар иқроия кўмитаси бу масалани ҳар тарафлама муҳомаа қилиб, пойтахтни озода қилишга қаратилган кенгайтирилган қарор қабул қилди. Унда барча ноҳия иқроия кўмиталари, корхона, ташкилот ва муассасалар, маҳалла кўмиталари, Тошкентнинг барча аҳолиси олдида бу соҳада турган вазифалар кўрсати берилди.

Тошкент шаҳар Кенгаши иқроия кўмитасининг мажлисида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

### «МЕНИНГ НАФАСИМ — МЕНИНГ ҲАРОРАТИМ»

○ БОЛАЛАР бадний янқозлиги жумҳурият маркази йили билан расмлар кўргазмалари ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Ҳаваскорлик болалар иқодиетидан иборат асарларини ўз ичига олган экспозициялар кўпчилигида яхши таассурот қолди.

Болалар уйлари, мактаб-интернатлар тарбияланувчилари уюшмаси томонидан уюштирилган кўргазмаларни кўпчилик келиб кўрди. Унда истеъодли ёшлар чизган бахтли болалик, она диёр мадҳига доир ранг-баранг расмларга кенг ўрин берилди.

Марказда таниқли расмолар иқодиети ҳам муваффақиятли намоиш қилинмоқда. Ўзбекистон ССЖИ халқ расмолари Р. Чориев, истеъодли мўйқалам соҳибларидан В. Зиёев, Д. Имомов, В. Петров ва бошқаларнинг кўргазмалари болаларда завқ-шавқ уйғотди. Та-

ниқли расмолар И. Ҳайдаров иқодиетига мансуб энг яхши асарлар туркуми яқинда томоша залига қўйилди. «Менинг нафасим — менинг ҳароратим» деб аталган мазкур кўргазма санъат шайдоларига манзур бўлмоқда.

○ ЭЛЕКТР рўзгор буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасида мураббийлик ҳаракатига кенг ўрин берилган. СУРАТДА: корхонанин мураббий

ишчиси В. Н. Кукарцев ўз шоғирди С. Кериловага касб сирларини ўргатмоқда. И. Шербек сурати.

Тошкент трамвайининг 90 йиллиги олдидан

### УЗОҚНИ ЯҚИН ҚИЛАЁТГАНЛАР

Қарийб 90 йилдан бери йўловчиларнинг узогини яқин, оғирини енгил қилиб келаяётган электр транспорти хизмати йўловчилар шуурига худди ҳаводен сиғиб кетган, — дейди 1-трамвай депоси насаба уюшмаси раисаси Г. Баландина. — Нисонлардаги шу туйғу туман ичида қолмаслиги учун жамоамиз 715 аъзоси бирдек хизмат қилмоқда.

Жамоа шу йилнинг 10 ойи мобайнида 49 миллион 370 минг йўловчини ўз маънасида бехатар етказди. Йўловчилар ташини ҳажми ўтган йилга нисбатан 166 минг йўловчи ортди. Линиядан трамвайлар носоғлиги сабабли мавзилгоҳларга қайтиб келишлари 55 фоизга, йўл транспорти ҳодисалари ҳам бир нечтага камайди. Бундай юксак натижа ўз-ўзидан қўлга киритилмади. Албатта, маъмурият раҳбарлари бутун куч ва имкониятларини ишга солишди, ҳайдовчилар малакасини оширишга эътибор берди.

Корхона маъмурияти электр транспорти хизмати намунали бўлиши учун соловчи ва ҳайдовчиларнинг моддий ва маънавий таъминланганини тақомиллаштириб бормоқда. Ҳайдовчилар ўртасида меҳнат интизомини ортди, вагон соловчилар бригадалари малакали мутохассислар билан тўлдиряпти. Вагонларни таъминлашга мослаштирилган ҳандақларнинг ҳаммаси ишга туширилди. Ётоқхоналарда йовчилар учун ҳамма шароитлар мавжуд. Линиялар охириги бекетларида, корхонанинг ўзидан ва атрофида иссиқ ва тўйинли таъмир истеъмоқ қилиш имконияти яратилди. Ҳайдовчилар маошига 24 фоиз қўшимча ҳақ тўлаш режалаштирилди. Бу иш ижобий ҳал қилинди ва 1991 йил январидан амалда қўлланилади.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг электр транспортчилар билан учрашувидан сўнг, Тошкент шаҳар иқроия Кўмитасининг электр транспортчилар меҳнатини қадрлаш ва улуғлашга қаратилган янги бир неча қарорлари корхоналарда амалда қўлланишга киришилди. Шу кунларда аёллар 15 йиллик, эр-

кавлар 20 йиллик ҳайдовчилик меҳнатидан сўнг, 50 ва 55 ёшдан меҳнат нафақаси тайинлангани 1991 йил 1 январдан кучга киришини эътиборга олиб ҳайдовчилар рўйхати тайёрланди. Л. Мулламурова, Г. Бережнова, Н. Курцева, Н. Мағлубоқонов, Р. Саидов, Н. Самуеенко, А. Раҳматовлар имтиёزلардан биринчи бўлиб фойдаландилар.

Қарорда кўрсатилган, деполар яқинида ҳайдовчилар учун тақомиллашган энг сўнгги замонавий ётоқхоналар қурилишини бошлаб юбориш ҳаракати жадаллашмоқда. Ётоқхоналар сенция хилида бўлиши ҳайдовчилар учун янада қулайлик яратди.


Ёш ҳайдовчиларнинг маоши 330 сўмдан кам бўлмаслиги, меҳнат шартини яхшилаиб бориши жисмоний машқлар учун спорт комплекслари ишлаб туриши жамоага маҳаллий мифт ёшларнинг жалб қилмоқда. 8—10 ёшда ҳажмида билимга эга боллар йигит ва қизларнинг ҳайдовчилар тайёрлаш маснадида билим эгаллашлари учун доимо имконият мавжуд.

Илгор мурабийи ишчи-хизматчилар, етакчи уста В. Нестеров, ҳайдовчилар устози Н. Тиллаев, илгор ҳайдовчи Р. Эргашева, депо хавфсизлик ҳаракати муҳандиси Қолбеков ўртоқлар бутун билим ва тажрибаларини ёш ҳайдовчиларга сингдиришга қаратдилар.

Ёшлар билан энгисез ишлаш линияларида авария ҳолатлари содир бўлиши ҳолларига чек қўймоқда.

Шу кунларда 1991 йил 30 мартда Тошкент трамвайининг 90 йиллигига ўтказилган байрамга катта таратқул бошланди. Илгор ҳайдовчи ва соловчилар номиди мукофотларга тавсия қилинмоқда. Бунда ҳайдовчининг узоқ йил ишлаши эмас, балки шу кундан самарали интизомли ва авариясиз меҳнати эътиборга олинди. Ҳайдовчилар А. Темуров, М. Суқатов, Т. Расулқина, Ю. Еришнин, А. Касалоповлар илгорлар қаторидан ўрни олдилар.

С. АЛИЕВ.



ТОШКЕНТДАГИ Охунбоев номи бош кийимлар фабрикасида меҳнат илгорлари жуда кўплаб топилади. Улардан бири ушбу сурат-лавҳада тасвирланган Маҳмадали Эргашбоевдир.

### Янгиликлар • Воқеалар • Шарҳлар

**ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК** Қозғонистоннинг Сарноғоч шаҳри ўрта-сидда қатновчи автобусларнинг йўли ўзгарди. Илгари Келес ноҳияи марказида жойлашган темир йўлдан ўтиладиган жой машиналар бир маромда ҳаракат қилишига ҳалақит берарди. Энди автобуслар тез ва тинимсиз қатнайган айланма йўлдан манзилга борадилар. Йўловчилар ўзлари мўлжаллаган жойга тезроқ етиб борадилар, ҳаракат хавфсизлиги ҳам яхшиланди. Йўлнинг ўзгартирилиши — Тошкент ва Сарноғоч автотранспорт ходимлари ўртасида тузилган шартнома натижаси бўлди.

**ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ЯНГИ УЙЛАРГА КЎЧИБ КИРИШДИ.** Урта Оснб темир йўл бошқармаси билан оқ ва йўловчилар ташини Тошкент маъмурияти ходимларининг 50 га яқин оиласи Сергели даҳасида бунёд этилган тўққиз қаватли уйда ҳовли тўғриси ўтказилди. Шундай қилиб, Тошкентдаги иккинчи уйсолик комбинатининг жамоаси транспортчилар билан тузилган шартноманинг биринчи қисмини бажардилар. Винокорлар келгуси йилда темирйўлчилар учун яна бир неча тўққиз қаватли уй қуриб берадилар.

**ЯНГИ АГРЕГАТ.** Тошкентдаги ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари олийгоҳида кўпгина ер қазувчиларнинг меҳнатини бажара

оладиган ноёб агрегат тайёрланди. Янги машина одатдаги техникдан юксак унвдорлиги ва ишончилиги билан фарқ қилади, уни аниқ икки киши ишлатади.

**ТАРЖИМОНЛАР** ГУВОҲНОМА ОЛИШДИ. Ўзбекистон ахборот агентлиги қошида таржимонлар мактабининг дастлабки гуруҳи ўқини тугаллаб гувоҳнома олиди.

Турли муддатларда ўқини учун келган тингловчилар қошида асосан амалий машғулотлар ўтказилди. Таржима бўлимининг малакали муҳаррирлари корхона ва ташкилотларда ўзбек ва рус тилларида иш юритиш вақтида қўлланиладиган сўз ва иборалар, маъруза ва матнларни ёзиш ҳамда таржима қилиш маҳоратидан сабоқ бердилар.

**ШАРТНОМА АСОСИДА** Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг Ҳама номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот илмгоҳининг Японияга сафарга йўналган кетган бир гуруҳ олимлари қайтиб келишди. Санъатшунослар Токио дорилфунунда ўзбек маданияти тарихини лекциялар қилишди, ўларнинг япониялик ҳамкасблари билан учрашди, археологик қазиниларда иштирок этишди. Санъатшунослик илмий-тадқиқот илмгоҳи билан Токио дорилфунунни ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома тўғрисида совет санъатшунослари ана шундай сафарга чиқдилари мумкин бўлди.

(ЎзТАГ).

Бу корхона ҳақда рўзномаларда кўплаб мақолалар чоп этилади. Уларда комбинатдаги ютуқ ва камчилар ўзига хос таҳлил қилинади, лекин негадир бу фикрлардан тегишли ҳулосалар чиқарилмайдигандек кўринади. Масалан, биргина кадрлар кўнимсизлиги масаласи оилалик. Ахир бу ҳақда озмунча ёзилгани, озмунча чора-тадбирлар белгилангани? Бироқ аҳвол ўша-ўша. Корхона бу борада кўпроқ оқсаса, оқсандики, ижобий ўзгариш бўлмади. Нега шундай бўлади? Нега кунга кеча янги ишнинг ишга келган ёшлар бутун корхонадан бўшаб кетишяпти? Бойси нима? Биз яна шу саволлар билан Тошкент тўқимачилик комбинати директорининг кадрлар бўйича ўринбосари Абдуқадир Абдуллаевга мурожаат қилдик.

— Қайта кўриш корхонамизга ҳам кириб келганига беш йил бўлди. — деб сўз бошлади у. — Лекин шу давр мобайнида биз демократия асосида ишлашни ва уни турмушга тадбиқ этишни яхши ўзлаштира олмадик. Очяғини айтиш керак, бугунги кунда корхонада, айниқса кадрлар масаласи жуда ачинарли аҳволда. Ҳозирда ёшларимизнинг умумий сони комбинат ишчиларининг 83,9 фоизини ташкил қилмоқда. Шундай экан, улар ҳақда кўпроқ гаумхўрлик қилиш керак бўлади. Лекин бу муҳим масалага етарли эътибор берилмайти. Менинг кузатишларим бўйича, кадрлар этишмаслигига меҳнат интизомининг бўшлиги сабаб бўлмоқда. Яқинда биз жамоатчи гуруҳларимиз билан корхона фабрика ва цехларида меҳнат қилаётган ишчиларнинг меҳнат интизомига қай даражада риоя этилганлигини текширдик. Қаранг, ўша кун 32 киши ишдан арта кетибди. Мен кўпгина фабрика раҳбарларига меҳнат интизомини бузилаётганлиги хусусида ёзма равишда хабар қилган эдим. Баъзи фабрикалар унга жавоб беришди. Лекин асосий ишлаб чиқаришлардан пардозлаш ва ип фабрикалари сўровини жавобсиз қолдиришди.

Жамоатчи гуруҳимизнинг олиб бораётган ишлари тахсинга сазовор. Улар кунора турли рейдлар ўтказишяпти. Бир сўз билан айтганда, интизмиз холис. Қандай қилиб бўлмасин ишчиларнинг ишлаб чиқаришда муҳим қолишини таъминлашдан иборат. Далилларга мурожаат этилган бўлса, ўтган тўққиз ой мобайнида корхонада жами 2018 нафар

киши ишга қабул қилинган бўлса, 2300 киши ишдан бўшаб кетди. Бу корхонамиз тарихида илк бор бўлаётган йўқотиш. Бунинг олдин олиш учун нима қилмоқ керак? Биз ҳар дўшанба кун кадрлар бўлиминдагилар билан йиғилишлар ўтказиб турамыз. Бу йиғилишларга худди ана шу йўқотишлар хусусида сўхбатлашамиз, унинг олдин олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқамиз. Яқинда бир неча текширувлар ўтказдик. Маълум бўлишича, корхонада меҳнат интизомини кўрсатишни энг паст ва энг ёмон бўлган ишлаб чиқаришлар — пардозлаш фабрикаси ва 1-йиғирув фабрикалари экан.

Қарангки, яна яқинда транспорт масаласи ишнинг белига тепиб, оқибатда ўша ишчиларини ҳам йўқотишга мажбур бўлдик. Транспортимиз кўп. Лекин кўрди, ёқилти еттишмайди. Бу масалани ҳам тез кунларда ҳал қилиш керак.

— Энди яна бир муҳим масала — билим юрталаридаги аҳвол тўғрисида. Қизларимиз қаерда ўқитилганларини тасаввур ҳам қилишолмайди. Ишлаб чиқаришга янги одам келса, албатта бирданга бу муҳитга кириб кетолмайди. қийналади. Шунинг учун унга меҳрибон бўлишимиз, билмаганини кўрсатишимиз ва ўргатишимиз даркор. Одамлар келиб кетишмоқда. Айниқса, энг муҳим участкалардан пардозлаш ва ип фабрикаларига ёшлар тўда-тўда бўлиб ишга келишяпти ва тўда-тўда бўлиб ишдан кетишяпти. Дикқатингизни мана бу масалага қаратмоқчиман. Яқинда 6-ётоқхонадаги 78-хонага ёш ишчиларни жойлаштирдик. Янги шифонер ва жиҳозлар билан таъминландик. Эртаси кун билсак, кечаги берилган шакф ва жиҳозлар йўқ. Маълум бўлишича, қўшни хонадагилар тортиб олишди. Ахир бу ётоқхоналарга масъул этиб қўйилган кишилар нега бу ўзбосишчиликларнинг олдини олишмайди. Энди бу қайси инсоф доирасига кирди?

Кўпича баъзи цех бошлиғи ва устازلар ёш ишчиларнинг камчилигини кўришса, кўполлик қилишяпти. Шундан кейин ёшлар ҳам ўйлаб қолишяпти, бунақа муомаладан ранжишяпти, охир-оқибатда кетиб қолишяпти.

Очяғ айтиш керак жавоб бизни тўла қонқитирмади. Ахир қачонгача масъу-

лиятини ўзингиздан соқит қиламиз. Аввало, айбон ўзингизда қидирмай, ўзгалар зиммасига юкдан билан иш битадими? Ахир ёшлар масаласи билан биринчи навбатда кадрлар бўлими шуғулланмаса ким шуғулланади? Тўғри, сўнгги йилларда корхонада бу масалага эътибор берилмапти. Бунинг инкор этиб ҳам бўлмайди. Ёшлар ётоқхоналарга жойлаштирилди. Маданият саройи ишлаб турибди. Уларда ёш ишчиларни қизиқтирадиган тўғарақлар мавжуд. Спорт майдонларида улар жисмоний тарбиянинг хоҳлаган тури бўйича шуғулланишлари мумкин. Ундан ташқари қасба уюшмалари томонидан турли тадбирлар уюштирилди, мусобақалар ташкил этиляпти. Буларнинг ҳаммаси яхши.

Лекин шу ўринда ёшларни ишдан бездирадиган бир шароит ҳақда гапирмай ўтиб бўлмайди. У ҳам бўлса иш шароитининг оғирлиги. Комбинат фабрикаларига беҳос кириб қолган киши қайратдан ёқа ушлайди. Алмасоқдан юлган дастгоҳлар тугиллашдан ҳез нарса иштигиб бўлмайди. Бунинг устига, бутун смена давомида сув кечиб юришга тўғри келди. Енигиздаги ҳаммасингиз билан ё имо-шора ё бақириб гаплашишга мажбурсан.

Яна бир гап. Бу меҳнат интизомига ҳақда. Бу ҳақда юқорида ҳам бир неча мисоллар келтирилди. Қўраниб турибдики, корхона ишчилари ўртасида меҳнат интизомини тўғри йўлга қўйиш чора-тадбирларини жиддий ўйлаб кўриш керак. Чунки қаерда интизом ёмон бўлса ўша ерда сифатсизлик ҳам, қўнимсизлик бўлиши ҳам табиий.

Бир вақтлар корхонада мурабийчилик ҳаракати авж олган дея тоза боиг урдик. Эндичи? Нега бу ижобий тажриба диққат марказимиздан тушиб қолди? Нега корхонага келган ёшлар малакали мурабийларга бириктириб қўйилмайди? Бунинг бойси комбинатда кекса ишчилар сафи камайиб кетганлигида деб тушунмоқ керак.

Хуллас, санайверсак муаммо кўп. Уни ҳисоблаш билан иш битмайди. Мақсад эса ушбу мақоладан тўғри хулоса чиқариш, шахримизда энг йирик бўлган тўқимачилик комбинатига кадрлар кўнимсизлиги барҳам топса, дейимиз. Зеро корхона маъмурияти ва партия кўмитасининг ҳам ишти шундай.

Б. ОРНОВ,  
«Тўқимачилар овози» газетаси муҳаррири.

## Ечимини қутаётган муаммолар

# ЁШЛАР ИШДАН БЎШАШМОҚДА: НЕГА?

Тўғри, ёшлар корхонага келишяпти. Бироқ, биз уларни ишга олиб қололмаймиз. Мана шунинг ўзи бизга энг оғир зарба бўлиб тушмоқда. Тошкент вилоятларига чиқиб ишчиларни корхонамизга ишлашга жалб қиламиз. Ҳатто уларни олиб келиб ишга ҳам жойлаб қўямиз. Лекин орадан бир-икки ой ўтгач, ишчи ишдан бўшаб ҳақда ариза кўтариб келади. Сабабини сўрасанг, ҳеч қанақанги имтиёз йўқ, бунинг устига раҳбарлар томонидан бизга бириктирилган касб ўргатувчи киши йўқ, деб жавоб беришади. Ахир кадрларнинг четдан жалб қилиш ҳам осон иш эмас. Бунинг учун қанчадан-қанча одам, қанча транспорт сарсон. Ҳа, айтмоқчи транспорт масаласига ҳам алоҳида тўхталмоқчиман. Бизга кўпича корхона транспорт кўжалиги ишимизга панд беради. Узоққа бормайлик. Яқинда Тўйтаёқдан ёш ишчиларни корхонамизга ишлашга жалб қилиб, ҳатто у ерга қатнайдинга автобус ҳам ажратилган эди. Бошида ўша ердан ёшлар келиб ишлаб юришди.

миз даркор. Одамлар келиб кетишмоқда. Айниқса, энг муҳим участкалардан пардозлаш ва ип фабрикаларига ёшлар тўда-тўда бўлиб ишга келишяпти ва тўда-тўда бўлиб ишдан кетишяпти. Дикқатингизни мана бу масалага қаратмоқчиман. Яқинда 6-ётоқхонадаги 78-хонага ёш ишчиларни жойлаштирдик. Янги шифонер ва жиҳозлар билан таъминландик. Эртаси кун билсак, кечаги берилган шакф ва жиҳозлар йўқ. Маълум бўлишича, қўшни хонадагилар тортиб олишди. Ахир бу ётоқхоналарга масъул этиб қўйилган кишилар нега бу ўзбосишчиликларнинг олдини олишмайди. Энди бу қайси инсоф доирасига кирди?

Кўпича баъзи цех бошлиғи ва устازلар ёш ишчиларнинг камчилигини кўришса, кўполлик қилишяпти. Шундан кейин ёшлар ҳам ўйлаб қолишяпти, бунақа муомаладан ранжишяпти, охир-оқибатда кетиб қолишяпти.

Очяғ айтиш керак жавоб бизни тўла қонқитирмади. Ахир қачонгача масъу-



СИЗ суратда шахримиздаги «Полимер» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мурабийи ишчиси Ақлима Зокирвани кўриб турибсиз. Бу кекса ишчи 30 йилдан бери шу корхонада самарали меҳнат қилиб келади.

Т. Каримов суратлари.

### ● ПРЕЗИДЕНТ БУШ КОНГРЕССНИНГ ФАВКУЛОДА СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚМОҚДА ● ОҚ УЙ МАГАТЭ МАЪРУЗАСИ ХУЛОСАЛАРИНИ РАД ЭТДИ ● КОНГРЕСС АЪЗОСИ ГЕПХАРДТ ФОРС КЎРФАЗИДА КУЧ ИШЛАТИШГА ҚАРШИ ЧИҚДИ.

АҚШ Президенти Ж. Буш рождество байрамига қадар Форс кўрфазидagi вазиятни кўриб чиқиш учун конгресснинг фавқулодда сессиясини чакриш имкониятини «жиддий равишда чамалаб кўрмоқда». Бу ҳақда чоршанба кун кечқурун Си-Би-Эс телекомпанияси хабардор манбаларга таяниб маълум қилди. «Президент Буш ўз фикрини ўзгартирди ва Форс кўрфази районига ўз савбати куллаб-қувватлашга эришиш учун конгресснинг махсус сессиясини чакришга қарор қилди, — деди телекомпания.

— Президент, жумладан, уруш эълон қилиш тўғрисидаги декларация қабул қилинмаган шароитда ҳам Америка қўшинлари жанговар ҳаракатларини бошлаб юборишга розилик олишга эришиш ниятидадир». Махсус сессияни чакриш тўғрисидаги таъриф келаси жумга кун Президент Ж. Бушнинг конгресс раҳбарлари билан учрашувидан муҳома қилина керак.

Декабрнинг сўнгги кунларида «Сахро қалқони» операциясида иштирок этиш учун «Теодор Рузвельт» ва Америка авианосецлари бошчилигидаги яна иккита авианосец гуруҳлари Форс кўрфази районига жойлаш-

бул қилинмаган системаларни яратиш, ишлаб чиқариш ва уларни синаш ишлари тезлаштирилиши мумкин. Вазир Форс кўрфази районига радиоэлектрон курашининг баъзи воситалари ва «айрим махфий воситалар» режалаштирилганга нисбатан тезроқ жойлаштирилиши мумкинлигини ҳам айтиди, «бу воситалар ҳаво ҳукумидан мудофаа системаларида сақланиш ёки уларни яқсон қилиш учун кеңроқ имкониятларни таъминлаши мумкин».

Оқ уй халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ) маърузасидаги хулосаларини рад этди, агентликнинг тафтишчилари Ироқ ядро бомбаси ишлаб чиқариш учун мавжуд бойитилган урандан фойдаланмоқда, деб ҳисоблаш учун асос йўқ, деган хулосага келган эдилар. Барча мамлакатларнинг мутохассислари МАГАТЭ ўтказган пухта текширишларини (бундай текширишларнинг сўнгисини 19—22 ноябрда ўтказди) гоят ишончли деб ҳисобламоқдалар. — Лекин Президентнинг матбуот котиби М. Финуотер Оқ уйда

татишга доир уюшма» ўтказди. Учрашув қатнашчилари БМТ хавфсизлик кенгашида Ироқнинг Қувайтдан чиқиб кетиши учун энг сўнгги муддатни белгилаб берадиган қарорни келгусида қабул қилиш муносабати билан тавиш билдирдилар. Журналистлар билан учрашувда қатнашган АҚШнинг собиқ адлия вазيري Рамсе Кларкнинг фикрича, бундай қарор урушга йўл очиб беради.

Форс кўрфази районидagi танглик муносабати билан нефть нархининг кескин кўтарилиб кетиши «Америка индустриетининг заифлашишига олиб келди». Бу ҳақда АҚШ федерал заҳира система бошқарувчилари кенгашининг раиси Алан Гринспэч чоршанба кун конгрессда шу ҳақда гапирди. «Ироқ Қувайтга босиб кириб кетганда сўнг нефть нархининг ортиши (бир баррель нефть нархининг 20 доллардан 33 долларга етиши) ҳам нефть қазиб чиқарувчиларнинг ҳам нефть истеъмочиларининг иқтисодий поанциларига жиддий путур етказиши»ни қайд этди. А. Гринспэчнинг гапларига қараганда жаҳонда нефть етказиб бериш «етарли даража»да. Лекин Форс кўрфазидаги вазият ривожланиб қандай бўлиши номаълумлиги нефть нархининг юқори даражада туришига сабаб бўлмоқда, бу эса мамлакатда кордонлик фаолиятининг анча камайиш хавфини келтириб чиқаради.

(ТАСС).



Бу йил ГФЖда транспорт ҳодисалари сони кескин кўпайди. Бунинг сабаби — ҳайдовчиларнинг интизомсизлиги ва ҳаддан ташқари тезликда юра оладиган гарб мамлакатларнинг машиналарини сотиб олган ҳайдовчиларнинг тажрибасизлигидир, деб хабар қилади АДН агентлиги. Январ ойидан бери собиқ ГДЖ ҳудудига ўлими билан тугаган бахтсиз ҳодисаларнинг сони бутун йилгидан кўпайиб кетганлиги қайд этилган.

АДН — ТАСС сурати.

Маданий меросимиз

# ТАРЖИМАЧИЛИГИМИЗ БЕШИГИДА

...ХАЛҚ ва ҳақ сўзлари нафақат шакл ўхшаш, балки уларнинг илдизлари ҳам туташди. Бугун биз Тонг юлдузи — Чўлпонни қайта кашф қилдик, яъни булутлар қаролиги билан тўсилган ёрқин юлдуз яна осмонимизда порай бошлади, яна кўзларимизни, дилларимизни қувонтирмоқда.

20—30 йилларда Чўлпон сингари кўп ва саз таржима асарлар яратган таржимон бўлмас керак. Уша давлар жабр-зулм, жаҳолат исканжасидан халос бўлиш учун курашаётган, янгиланган халқимизнинг ангилликка, узағарига, илму урфонга, маърифатга ташналик даврлари эди. Эл-улусни ёруғлик сари етаклашга азму қарор қилган ўзбек маърифатпарварлари бу кутлуғ ишни илқибоддан анча олдин бошлашган. Ўзбек элчиларининг кўлаб истеъдодли вакиллари таржимонлик билан машғул бўлиб, ўзбек совет таржимачилигининг пойдеворини яратдилар. Абдулла Қодирий, Ғоз Юнус, Маннон Ройин, Ўзбек Боту, Олтой, Субой қабилар яшарида Чўлпон ҳам бадий таржима ишларида фаол қатнашди. Айниш мумкин, Чўлпон ўзбек совет таржимачилигининг бешигини яратувчилардан бири эди.

Бу даврда драматик асарлар таржимасига талаб горт кучли эди. Ўзбек адабиётида драматургиянинг етарли ривожланмаганлиги, халқ оммасининг саҳна асарлари билан тез ҳамда бевосита танишиши мумкинлиги туфайли бошқа халқлар драматургияси намуналарини таржима қилишга эҳтиёж катта эди. Араб, форс, турк, рус тилларининг билимдон, сўз Чўлпон бу соҳада биринчилардан бўлиб, улкан истеъдод соҳиб экинликларни қўратди. В. Шекспирнинг «Ҳамлет», К. Гольдониинг «Янки бойга бир қаровул», Р. К. Готчининг «Малихан Турандот», Мольернинг «Хасис», А. Пуанкаренин «Борис Годунов», М. Горькийнинг «Егор Булуиёв ва бошқалар», В. Янининг «Хужум» каби драматик асарлари Чўлпон таржимасида ўзбек халқига тўхфа этилди. Бу саҳна асарлари барча ўзбек театрларининг репертуридан жой олди, театр санъатининг, адабиётининг ривожига катта таъсир қўратди. «Ҳамлет» фокиаси саҳналаштирилиб, ўзбек томошбонлари орасида зўр муваффақият қозонди.

Даврининг ўзига хос жиҳатларини чуқур ҳис қилган Чўлпон насрий асарлар таржимаси, хусусан рус ёзувчиларининг роман, қисса ва ҳикoyalарини ўзбеклаштириш борисида ҳам зўр фаолият қўратди. Уша пайтларда рус маданиятига, рус адабиётига қизиқиш беҳад катта эди. Бундан ташқари ўзбек совет насрий асарлари билан кўпайиб бораётган. Шунинг учун халқни жаҳон адабиёти билан яқиндан таништирувчи насрий таржималарга эътибор кучли эди. Чўлпон А. Пушкиннинг «Дубровский», Н. Гоголнинг «Шинель», Иван Иванович билан Иван Никифорович оралирида бўлиб ўтган низолар ҳикоят» повестларини, И. Тургеневнинг «Чури қиз», «Льгов», А. Чеховнинг «Ванка», «Урмон қоровули», «Чуқурликда», «Қочқоқ», «Бўйинга осылган Анна» ҳикoyalарини, М. Горькийнинг «Она» романи-

ни, «Илгаклар» ҳикоясини ўзбек тилига ўғирди. Шунингдек, таълиқ украин адиби Иван Франкнинг «Миллион», «Феуза» ҳикoyalарини ҳам таржима қилди. Бу асарлар, айниқса рус классик адабиёти намуналари зўр мақорат билан ўзбекчага ўтирилган.

Чўлпон ўзбек китобхонини жаҳон шеърини билан таништиришга ҳам муносиб ҳисса қўшди. Унинг таржимонлик истеъдоди туфайли А. Пушкиннинг эртак ва шеърлари, И. Криловнинг масаллари, А. Лохутийнинг «Оврупога сафар» достони, Э. Потебнин «Байналмилал» шеъри Х. Хайне, Э. Верхарн, Т. Шевченко, Сайёд Наво, А. Блок, В. Брюсов, хитой шеърларининг шеърлари ўзбек тилида янрай бошлади.

Кўриниб турибдики, Чўлпон таржимон сифатида барақали ижод қилган, гоят катта ва бой таржимонлик меросини қолдирган. Ўзин ҳам кўлаб шеърлар, роман ва ҳикoyalар, драмалар ёзганлигини, жумҳуриятнинг илқимий-сиёсий ҳаётида имкон қадар иштирок этганлигини ҳисобга олсан, Чўлпоннинг таржимонлик фаолияти кишини ҳайратга солади. 1927 йилдан токи 1939 йилгача бўлган 13 йиллик вақт мобайнида Чўлпон таржималари 26 марта алоҳида китоб шаклида чоп этилди. Бу йилга илқитадан китоб деган сўз. Яна вақтли матбуотда, турли тўпламларда эълон қилинганлари қанча.

Қайта қуриш ўтмишимизга, тарихимизга янгиликлар билан қарашини тақозо қилмоқда. Шундай экан, Чўлпоннинг таржимонлик фаолияти, таржимонлик маҳорати, у ўтирган асарларнинг ўзбек маданияти тарқиқитига таъсирини масалалари ҳаққоний, ҳолисона ёритилиб, мумкин бўлган ҳолда керак. Шахсга қизиқиш, турғунлик даврлари ижодкор умрини хазон қилди, лекин унинг асарлари, таржималари абадуабад — ям-яшил Чўлпоннинг номиёни тилига олши ман қилинган пайтларда ҳам у таржима қилган асарлар, ижодкорнинг истеъдоди ва маҳорати ҳақида ҳикoyalар қилавердилар. Ахир, И. Криловнинг мактаб дарслигиндан таниш, ёд бўлиб кетган машҳур «Бўри билан Қўзқоқ», мақалини ким ўқимаган? Ваҳоланки, бу масалининг беназир таржимасини Чўлпон амалга оширганни кўнчилик билмайди. А. Пушкиннинг «Борис Годунов» тарихий фокиаси ўзбек тилида қайта-қайта нашр қилинди, лекин бу асар таржимонининг — Чўлпоннинг номи кўнчилик берилмади.

Унинг ўзбек бадий таржимачилигидаги буюк хизматидан халқни хабардор этиш, адолатнинг қарор топиши демократ, Яҳон адабиётининг ноидр намуналарини ўзбек халқига етаклашди Чўлпон биринчилардан бўлди. Биринчи бўлиб ҳам шарафли, ҳам мушкул ва зифа, Ярим асрдан ошми вақт мобайнида ҳассос шоир, моҳир насривас, зукко танқидчи, маҳоратли драматург, завоард таржимон Абдулҳамид Сулаймон ўғли — Чўлпоннинг номи тошборун қилинди, энди чамамда унинг номи абадийлаштириш, гулларга бурнаш пайти келди.

**ТУЛКОН РАҲИМОВ,**  
Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси Тил ва адабиёти илмгоҳининг илқий ҳодими.

**МАЪЛУМКИ,** жумҳуриятимизда 1 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларнинг 35,8 фоизини мактабгача тарбия муассасаларига қатнайдилар. Мавқуд болалар боғчалари тармоғи аҳолининг эҳтиёжларини тўла қондира олмади. Ҳозирда мактабгача тарбия муассасаларида ўрин олиш учун навбатда турган оилалар сон 200 мингдан ортиқ эканлиги ҳам, йил сайин бу навбатнинг 1,5—2 мингтага кўпайиб бораётгани ҳам фикримизнинг далилидир. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатига боғчалардаги болалар сонининг ҳаддан ташқари зичлигига олиб келимоқда.

Мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар сонининг зичлигини қисман кайтайтириш ҳамда шаҳар ноҳиялари халқ таълимни бўлимларида боғча учун йил навбатда турганлар муаммосини ҳал этиш, ота-оналарга қулайлик туғдириш мақсадида Тошкент шаҳар Кенгаши икрония кўмитасининг 1989 йил 24 ноябрь қарорига мувофиқ, 1990 йилда шаҳарнинг барча ноҳияларида уй шароитидаги болалар боғчалари ташкил қилиш ташаббуси бошланган эди. Шундай боғчалар шахримиздаги бир неча ноҳияларда очилди, бироқ кейинги вақтларда бу иш негари султанлиб қолди. Яқинда шахримизнинг Фрунзе ноҳияси халқ таълимни бўлими ана шу ташаббус издошлари бўлишди. Ноҳия ҳудудига «Кўшбеги» мавзесида жойлашган 420-болалар боғчасига яқин бўлган кўпқаватли биноларда бешта хонадон соҳиблари уйларида боғча очиш илқитини билдириши, ноҳия халқ таълимни бўлимига мурожаат этишди. Тез орада бу хонадонлар шароити ўрганилди. Хонадон эгаларининг ҳам мактабгача тарбия муассасаларида илқитан илқитоси қондирилди. Ҳозирда 420-боғча қошида очилган уй шароитидаги бешта боғчанинг ҳар бирида 7 тадан 35 тагача турли ёшдаги болалар тарбия топилмоқда. Бу боғчалар асосан 1,5 ёшдан то 7 ёшгача бўлган соғлом болаларни, зарурат бўлса, нимжон, тез-тез касал бўладиган болаларни

парвариш қилишга мўжжалланган бўлиб, уларнинг илқимоний ва ақлий ривожланишини, ахлоқий тарбиясини амалга оширишга қаратилган.

— Бундай боғчаларни ташкил этишимиздан мақсад, — дейди биз билан суҳбатда Фрунзе ноҳияси халқ таълимни бўлими бошқаруви раиси Х. Қ. Пўлдошев ва Тошкент шаҳар халқ таълимни бошқаруви раисининг мактабгача тарбия муассасалари бўйича бошқаруви ўринбосари Т. А. Акромова ҳамда 420-боғча мудираси Р. Ж. Абултевалар яқиндан кўмак беришди. Боғча очган хонадонларни қандай жиҳоз-

наш ташкил этилишида, жонқур мураббига, боғча мудираси Раиса Шокировна Абултеваларнинг хизмати айниқса салмоқли бўлди. Болаларга нисбатан қалбида улкан меҳр-муҳаббат муқассам бўлган бу аёл ўзи мудирлик қилаётган боғча масъулияти билан бир қаторда

— Боғчадаги етти нафар боланинг ҳар бири ўзига хос сабаб билан, масалан, тез-тез касалга чалиниши, нимжонлиги ёки ёлғиз оилада ўсгани туфайли қўнчиликка киритиш кета олмаслиги каби сабабларга кўра шу ерга қатнамоқда. Уларнинг ҳар бирига ўзига яраша муомалада бўлишга, кўпроқ қизиқарили машғулларга жалб қилишга, қисқаси, уларни ўз уйидагидек парвариш қилишга илқиталаймиз. — дейди Захроҳон. Ҳа, чиндан ҳам уйдаги саранжом-сарини тилиқ, озодални ва энг муҳими, болалар учун яратиб берилган қулайлиқни кўриб, бу ерининг болалар учун соғломлаштириш масқани элқинга ҳам ишонсан кишини.

— Дастлаб боғча очилганда биринчи бўлиб боланинг беришга очини, илқиталанган эдик, дейишди тарбиялаувчи болаларнинг оналари.

— Лекин бу ерда яратилган шароити кўриб, тезда кўнчиликлар ҳаммаси болаларимизни Захроҳонга топширдилар. Ҳозир фарзандларимиз худди ўз уйида юргандек эркин, кўнчок ўсишмоқда, яъни тарбия топилмоқда. Болаларни ўз фарзандларидек кўриб, уларни жондига билан парвариш қилаётган ҳамда ахлоқий тарбия бераётган меҳри дарё тарбиячи Захроҳонни чин дилдан раҳмат айтгимиз келарди.

Ҳа, оналар оғирини енгиб, узогини яқин қилиш мақсадида хизмат қилаётган бу хонадон муассасаларининг очилиши чиндан ҳам оналарнинг кўнчилигидан иш бўлди. Бинобарин, бу болалар ўзбек халқи учун ҳам айни муддаодир. Айниқса, шу каби боғчалар шахримизнинг энг серфарзанд ноҳиялари, кўнчилик оилаларида кўнчок ташкил қилинса, ўйлаймизки, бугунги боғча муаммоси ҳам ўз ечимини топган ва энг муҳими жақжи фарзандларимизнинг камол топиши учун яна бир хайрли иш амалга оширилган бўларди.

**Зулфия ДҮСМУҲАМЕДОВА.**

**СУРАТДА:** уй шароитидаги боғчада машғул топилди. Сурааткам Х. Мирзақаримов.

## Ташаббус издошлари ХОНАДОН-БОҒЧА



таълимни бўлимининг мактабгача тарбия муассасалари бўйича назоратчиси Раёно Турғунова Жаъфарова, — уйда бекор ўтирган аёлларни, шунингдек, нимжон, боласи туфайли ишламай ўтирган аёлларни ишга жалб қилиш ҳамда ноҳиядаги баъзи бир кўп болали оиланинг боғча ёшдаги 2—3 боласини кўриб қўлини йўлдан йўлга билан улара ёрдам кўрсатишдан иборат. Менимча, қўзланган мақсадга эришилди. Бу боғчаларнинг ташкил бўлишида бизга ЎзССЖ халқ таълимни вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълимни бошқаруви раиси, уларни зарур ашёлар билан таъминлаш, болаларнинг ўйин машғулотлари билан шуғулланиши учун шароити яратиш ҳамда уй шароитидаги боғчани қандай ташкил этиш ҳақидаги таъсирчан муаммоларнинг қўрсатмаларини шаҳар халқ таълимни бошқаруви томонидан илқитан чиқарилиши — биз учун катта йўлнамани бўлди. Шунингдек, болаларга тўрт маҳал иссиқ овқат етказиб бериш, уларни ошпоз ўринқўрлар, чиройли ўйинчоқлар билан таъминлаш, болалар саломатлигини доимий равишда назорат қилиб туриш каби ишларнинг наму-

уи шароитидаги боғчалар масъулиятини ҳам чуқур ҳис этган ҳолда уларни ҳам хаминча назоратдан четда қолдирмади. Мазкур боғчаларда тез-тез бўлиб, боғча мураббийларига ўзининг қимматли маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам бериди. Яқинда биз ҳам фотомуҳбиримиз билан мазкур боғчада бўлиб, кўнчок лаҳзаларни суратга олдик, боғча шароити билан яқиндан танишидик. Боғча мураббийаси Захроҳон Орипова билан суҳбатимиз ҳам асосан бу боғчанинг одадагиларидан фарқли томонлари хусусида бўлди.

### ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДАСТУРХОНИГА

● **ХАЛҚА ЙҮЛИДАГИ** 1-теплица комбинати меҳнатқашлар 18 гектар майдондаги хўжалиқларида етиштирилган ҳосилли ҳамшаҳарларимиз даструрхонга етказиб бермоқдалар. Шу кунгача умар 98 тонна кўк лия, 60 тонна редиска, 6 тонна ҳар хил қўнқалар, 5,5 тонна лимон ва 1,5 тонна шовул эромғун қўнқилди.

Комбинетда 500 дан ортиқ меҳнатқашлар ишлашди, Помидор ва бодиринг неъматларини ўз вақтида етиштиришда М. Салимов ва А. Сулаймонов бошқиб бригада аъзалари бошқаларга ўрнм бўлишмоқда. 4-бригадада бошчилик қилаётган М. Салимов бригадаси шу кунгача шаҳарликлар дастурхонига пландаги 450 тонна ўрнига 455 тонна помидор етказиб берди. Йил охирига қадар бу рақам яна 15 тоннага кўпаяди.

### Сўраган эдингиз

## Ҳилолий ким бўлган?

«Хурматли муҳаррир!» Яқинда бир танишимизнинг меҳмон борган эди. Улар алайдаги Фрунзе ноҳиясидаги Фигурная кўчаси ўзгартирилиб, Бадриддин Ҳилолий кўчаси деб номланди. Аммо бу ерда ўтирилганнинг бирортаси Бадриддин Ҳилолий кимлигини айти олмади.

Сўзлардан илқитос, Бадриддин Ҳилолий ҳақида рўзнома орқали маълумот берсангизлар.

Салом билан Дилором КАМОЛОВА, савдо ҳодими».

**МУҲАРРИРИЯТДАН:** Биз ушбу мактуб элқитосини илқитосини бажариш учун халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши Атамалар комиссияси расининг ўринбосари Дилмурод Саидов билан боғландик.

— Бадриддин Ҳилолий — тожик классик адабиётининг ярик намоёндаларидан бири, шоир, — деди у.— У XV аснинг 70-йилларида Астрообода тутилган. 20 — 22 ёшларида илм ва ҳунар маркази бўлган Хиротта келиб, мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий ва ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоийдек улуглар бошчилик қилаётган адабий даврдан ўрин эгаллайди.

Ҳазрат Алишер Навоий ўзининг «Маъжоласи-ун — нафос» («Гўзал маъжоласи») рисолида Бадриддин Ҳилолий ҳақида тўхталиб, шундай дейди: «...қўнчок ҳофизаси жузда яқиндир, таъби ҳам қувайн ҳофиза (хотираси) наби бўлсин. Майли, ўзининг умид бори, эътибор топган? Дарқайнат, Бадриддин жузда кучли бўлган экан. Замондошларининг ёнб қолдиришларига: у Захириддин Муҳаммад Бобур илқитосдан 30 — 40 минча байтди ёд билган. Жуда қисқа вақт илқитоси эгаллаган. Нофия, оруз илқитоси эгаллаган.

XVI аср тожик адабиётининг гезал жанрида Бадриддин Ҳилолийдан кучли шоир йўқдир.

У ўз ғазалиётида муҳаббат мавзусини баш мавзу билан, ижод этган. Агар тарихга назар солсан, ҳақиқий ижодкор доимо жабрдийда бўлган. Фирдавсийдек зотни Маҳмуд Ғазнавий фил

оёқлари остига ташлашни буюрган. Натияжа Фирдавсийнинг умри қочқинликда, муҳтожликда ўтган. Абу Абдуллоҳ Рудакийнинг кўзларига илқитоси тортилиб, кўр қилинган. Собир Термизий Амударёга қарғ этилган. Камол Ҳўжадий ўн йиллаб зиндонда бўлган. Нодира, Машраб осылган. Насимийнинг тириклай териси шиллинган...

Бадриддин Ҳилолий ҳам илқитосининг энг гуллаган даврида 1529 йили Шайбонийхон ҳукмига биноан танасан босидан жудо этилиб қатл қилинган. Ундан мерос бўлиб учта достон, 2700 байтдан иборат 360 ғазал, 32 рубойи, 8 қитъа қолди.

Хурматли муштарийларга Бадриддин Ҳилолий ҳақида янада тўлароқ маълумот бериш ниётида унинг илқитосидан бир нечта рубойини тожик тилидан таржима қилиб, чоп этишни маъқул топдик. Рубойиларни ҳам тожик тилидан Дилмурод Саидов таржимаси қилган.

Бу бевафо оламда ҳеч ким хуррам эмасдир, Одамлар ичра ҳеч дам шодонлик дам эмасдир.

Кимнингки бу замонда дарди бўлмас, билинг —

Е бу оламдан эмас, ёки одам эмасдир! Нури ойнадир ёрининг рўзи-ишони бу кеч,

Эй, оё! Девор ортга беркин уёйиб бу кеч,

Эй, кўёш! Юзгин ёпғил булутлар билан тездан,

Эй, тонг! Сақлан отмоқдан назардан қолиб бу кеч.

Ер келди-ю, ёрн дилнавоз келди қайтиб,

Хаста қўнғилгани, чорасиз келди қайтиб, Умрим ҳам кетиб эрди у кетган маҳвал, Юз шукрин, кетган умрим боз келди қайтиб.

Ишқин май билишиб, дилдан жон қўйинилар,

Бу май қўнқасидан ағчин ком тўйинилар, Гўё жаҳондаг бор гапни бир жойга — Ингиллару унга ИШҚ деб ном қўйинилар!

### Янгилик! Хабарингиз борми?

## ТИЖОРАТ МАКТАБИ

ҲАДЕМАЙ бозор илқитосидётига ўтмади. У илқитосидимизни соғломлаштириш учун шарт-шароитлар яратилишига умид турдиради. Бозор илқитосидёти шароитида ишлаш тижоратни яқин билишни тақозо қилади. Яъни, ишбилармонлик ва тижорат фаолияти билан шуғулланиб, кўпроқ фойда келтириш. Кунни кеча «Билим» жамияти жумҳурият бошқаруви ҳузурида узлуксиз таълим марказида ташкил этилган тижорат шу мақсадга хизмат қилади.

Ҳозиргача мактабда бозор илқитосидёти муаммоларини ўрганиш, менежмент ва бошқа йўналишлар бўйича кўпқават семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Бундай машғулотларда 5 мингдан зиёд киши қатнашди. Уларнинг ичда корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари, илқитосидлар, партия ва совет ҳодимлари бор. Тингловчилар доимий илқитосидан курсларни очилиши илқитосид қилдилар. Илқитосидни чуқур ва мукамал ўрганиш тўғрисидаги фикрлар ана шундай мактабнинг яратилишига асос бўлди.

Мактабда атиги тўққиз ҳафта

ичида тингловчилар «менежер» илқитосиди бўйича ССЖИ Халқ таълимни Давлат кўмитаси томонидан тасдиқланган мутахассислик дипломини оладилар.

Машғулот дастуридан асосан менежмент ва маркетинг асослари, бозор илқитосидётининг йўналишини тартибга солиш ва бошқалар ўрин олган. Шунингдек, чет эллик ишбилармон кишилар билан учрашувлар, қўшма корхоналар, фирмалар, савдо ваколатхоналарида бўлиб касб малакасини ортириш ҳам кўзда тутилмоқда. Бу аса хоринлик тижоратчилар билан янада яқин алоқада бўлиш имкони янада беради. Инглиз тилини мукамал ўрганиш аса чет эл фирмаларида иш ўрганишда ақтолади. Мактаб битирувчиларига кичик, ижара корхоналарини қандай ташкил этиш тўғрисидаги маслаҳатлар берилади. Улар ҳуқуқ, илқитосид ва молиявий масалалар бўйича етарли кўнқималарни оладилар.

Ишбилармон фақат иш билангина шуғулланмай, кишилар билан ҳам ўзаро мулоқотда бўлади. Турли хил маданий-соғломлаштириш дастурларида иштирок эта-



ди. Бундай мутахассисни ўқитиш учун 2 миң 500 сўм тўланади. Ҳозирча жумҳуриятимизда ягона бўлган ушбу мактабда 25 кишидан иборат корхона, муассаса ва таъкилотларнинг вакиллари билан оладилар. Машғулотларни етакчи олимлар, жумҳуриятимизнинг таниқли илқитосидчилари олиб боради.

Турли комплекс раҳбар ҳодимларини ва мутахассисларини қайта тайёрлаш, малакасини оши-

риш тармоқларо билимгоҳи, менежерлар тайёрлаш маркази, Ўзбекистон ССЖ «Билим» жамияти бошқаруви узлуксиз таълим маркази ва «Интервосток» социал-илқитосидий фирмаси билан ҳамкорликдаги тижорат мактаби 3 декабрда ўзининг биринчи машғулотини бошлади.

Ҳақимжон ЮНУСОВ,  
СУРАТДА: тижорат мактабининг дастлабки тингловчилари.  
Д. Аҳмад сурати.

### Маданият хабарлари

## КЎҲНА САНЪАТ ЗАРВАРАҚЛАРИ

● **МИСГА БЕЗАК** беркиш ва заргарлик ўзбек халқининг қадимий илқитосиди санъати бўлиб, дар Уштин билан нафис сайқал топиб, кенг ривож топди. Вутунинг кўна ҳам бу кўна санъат ўз кўлаби билан ҳар томоламга тарқиқити ётмоқда.

Бу ноҳия ижодий илқитосид энг яқин намуналарини билан жумҳуриятимиздаги қатор музеюлар оралиги яқиндан танишиш мумкин. Ўзбекистон ССЖ Давлат санъати музейида аса безақ ва зар-

гарлик санъати асарларига кенг ўрин берилган. Ўғимш ва бугунги кун нафис санъати тарқиқити ҳақида ҳикoyalар илқитосиди махсус нашрининг босмага тайёрланиши нур устига аъло нур бўлди. Рабур Гулом номдаги нашриёт томонидан яқинда чоп этилган маълум суратли альбом «Метаалга битилган қўнқоқ» деб аталди.

Янги нашрда илқитосиди амалий санъатининг фидойи ижодкорлари ҳақида тўлиқ маълумотлар берилган. Буларнинг ёритиш жараёни кўна ижодкорлигининг муҳим босқичларини орқали таҳлил қилинган.

Нашр йўли билан тайёрланган бу рангли альбомда кўпгина мис безақлари ва заргарлик кўнқитосиди ўз асарини топган репродукциялар жумҳуриятимизда билан мазкур нашр зарур қўлланила адабиёти сифатида ҳам қимматлидир.

**А. АЛИЕВ.**

## УШАЛГАН ОРЗУ

● **КРАСНОДАР УЛКАСИ,** 1989 йилнинг баҳоринда қар ва эшитиш қобилиятини кейинроқ йўқотган болаларга ўрта маълумот берувчи 30-мактаб-интернат ўзининг ярик асрлик юбилейини илқитосидида. Мактаб-интернатда К. А. Микваэлян номи берилган эди. Елқиндаги эшитиш қобилиятини йўқотган Карп Авдеевич Микваэлян бутун умрини ана шу хасталикка чалинган болаларга билим бериш муаммосига бағишлаганди. Мактаб-интернат унинг арзандаси бўлиб қолган эди. Кар болаларни ҳар томоламга ривожлантириши унинг орзуси эди. Тиниб-тиничмасларнинг ҳаракати зое кетмади; мактабнинг юзлаб битирувчилари олий ва ўрта маълумотли бўлишди, илқитосиди, муҳандис, конструктор, техник илқитосидиларини эгаллашди.

К. А. Микваэлян бошлаган олийжаноб илқитосиди из ошларига давом эттириляпти. Директор А. В. Усайкоева раҳбарликдаги педагог-

лар ижодий жамоаси таълим-тарбия ишларини жуаллий ражасига мувофиқ, педагогларини ҳисобга олиб амалга ошириляпти. Болаларни олдиди мушқулликлар кутаетганини яқин билган мактаб ҳодимлари уларнинг ҳар бирига ўзига ёндашадилар. эшитиш қобилиятини, илқитосиди яқинлаш учун кўп меҳнат сарфляптилар. Таълим беришда замонавий техника қўлланыляпти. Мактабда эшитиш қобилиятини қайта тиклаш маркази ташкил этилмоқда, бу нинга психологларни жалб этиш ниёти бор.

Карп Авдеевич М

# МИЛИЦИЈАНИ КИМ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?

Ҳозирда ҳар бир милиция ходимининг қўлида резина тағви ва отиш қуроли бор. Бундан ташқари улар безориларга қарши курашда қўл келадиган ҳар хил услубларга ҳам эга. Шундай экан, уларни кимлардир ҳимоя қилишга даъват қилиш кулугу туюлмайдими? Бир ҳисобдан милиция шов-возларининг қўлига автомат бериб қўйилса, уларни халқ қўллаб-қувватламаса, барибир жамоатчи, безорилар олдиде улар номложа аҳволда қолаверибди. Бир вақтлар ўз орасидан чиққан ҳалол, пок ва доғир фарзандларини халқ икки қўллаб милиция сафига етаклаб келарди. Илгари меҳнат жамоалари мард, меҳнатда чиниққан йигитларни милиция сафига тавсия қилишарди, шу тариқа халқ милицияси софдил, ҳалол кишилар ҳисобига ўз сафларини тўлдириб борарди. Кейинчалик улар халқнинг чинакам ҳимоячисига айланишар эди. Милициянинг яқин ёрдамчиси бўлиб майдонга чиққан халқ дружиначилардан ҳам путур кетди.

Шу тариқа, милицияга халқнинг муносабати ўзгариб борди. Ҳалол, пок, принциплар кишилар милицияга ишга киришдан ўзларини олиб қоча бошлаган сари, милицияга энгил-елпи тушушчага эга бўлган, принципси унсурлар ўзларини урди. Жамолар эса ўз оралиридаги иш бермайдиган, фақат юғурдалик қўлидан келадиган шахсларни милицияга ишга тавсия эта бошлади. Шу тариқа милицияда мақсад ва тушунчалари турлича бўлган, дардлари бошқа-бошқа бўлган кишилардан ташкил топган жамоа вузудга келди. Буларнинг бир қисmini виждон, ўз ишини қадар-қиммати ва қолаверса халқнинг дарди хизматга қорласа, бошқа бир қисmini жигилдон қийнади, уларда нафс балоси устунлик қилди, худди шулар халқнинг кўзига бутун бошлик милицияни ёмон отликка айлантирди. Шаҳар милициясини шахсий таркибда шаҳар йигитларининг ҳамлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Бу муаммога албатта социолог ва психологларнинг изоҳ бергани маъқулроқ...

Тартиб посбонларини чинакам халқ милицияси бўлиши учун бир қатор тadbирларни амалга ошириш, оширганда ҳам кейинмай амалга ошириш зamon тақозосига айланди. Бизнингча, биринчи навбатда милицияни халқ орасида бўлишини таъминлаш керак, ҳозирча эса улар кўпроқ ўзларини пананага олиб юришибди. Милиция ходимларини мунтазам равишда халқнинг ўзи аттестациядан ўтказиб боришини таъминлаш уларни меънавий, сийсий етуқлигига синос бўлиб қолиши керак.

Иккинчидан, милицияни қонун билан муҳофаза қилиш, унинг ҳар бир ҳаракатини қонун билан, банди-банд асосида қилиш керак. Шунда уларни жиноятчиликка қарши шафқатсиз кураш олиб боришларига йўл очилар.

леди, уларнинг шаши, қадар-қиммати жамоатчиликнинг кўз ўнгига кўтарилади.

Худди шу нуқтан назардан олганда, Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги Қонуни айни муддао бўлди.

Учинчидан, турар жойларда халқ дружинчаларини тузишга биринчи навбатда эътибор зарур бўлиб қолди. Бозор сибастига ўтиш жамоаларда бу ишни кенг йўлга қўйишга имкон бермаслиги ўз-ўзидан аниқ. Шу тариқа, милиция билан турар жойларда ташкил қилинадиган халқ дружиначилари халқнинг кўз ўнгига, худди шу халқнинг ўзидан баҳра олиб, қувват олиб халқнинг чинакам ҳимоячиларига айланиб боради.

Тўртинчидан, милиция зamonвий асбоб-ускуна, электрон қурilmалари билан жиҳозлашга тўла асос бор, зamonвий тайберларни шундай аппаратлар билан жиҳозлашни ундасидан чиқарган Чкалов номидаги Тошкент самолётсозлик бирлашмасининг бирор цехини шартнома асосида шу ишга жалб қилиш керак.

Бешинчидан, ҳар қандай митингларда милиция ходимларининг иштирок этиши, митингни ўтказиш ташаббусчиларининг ҳисобига бўлиб, милиция ходимларига ўша кунги митингни тартибли ўтказишга қўшган ҳиссасига қараб иш ҳақини тўлайдиган қонун ишлаб чиқиши керак.

Шу тариқа, ҳар қандай жамоа ташкилот, сийсий гуруҳ ва партия ўзи ўтказмоқчи бўлган тadbирни тинч ўтишини истаса, марҳамат милицияга ўзлари муурожаат қилсин. Агар бунинг акси бўлса, бу тadbирнинг оқибати учун қонун олдиде ўзлари жавоб берсин. Қонунда эса иқтисодий жазо биринчи ўринда қўлланиши керак.

Бизнингча, милицияни халқ милицияси сифатида қайта ташкил қилинишдан биринчи навбатда халқнинг ўзи манфаат кўраётганда, шу манфаатни мустаҳкамловчи қонун-қондалар ишлаб чиқилгандагина бу ишда яхшилик томон ўзгариш бўлади. Милицияни деб, халқнинг манфаатини унутмас, халқни деб милициянинг манфаатини ўйлаб, бошланган иш ўзининг натижасини бермайд. Шундай қонун-қондаларни ишлаб чиқиш керакки, улар милицияни чинакам халқ милицияси бўлиб қолишига кафолат яратсин.

Неъматжон ҲАСАНОВ.

ТошПИ доценти, шаҳар Кенгаши депутати.

## ТИЖОРАТ ЖАБРАЛАРИ ВА ЭЪЛОМАЛАР

### ТЕАТР

НАВОИЯ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА  
4/ХИ да Алишер Навоий (премьера), 5/ХИ да Алишер Навоий (премьера), 6/ХИ да Фауст, 7/ХИ да Раймонда, 8/ХИ да Чо-чо-са, 9/ХИ да Колеяда (12.00). Сента турмури (19.00).

ХАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА  
4/ХИ да Курорт, 5/ХИ да Хотинлар «таш»идан чиққан ҳангома, 7/ХИ да Тумарис (премьера), 8/ХИ да Хотинлар «таш»идан чиққан ҳангома, 9/ХИ да Жар.

МУҚИМИЯ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 5/ХИ да Анқовлар чайқови, 6/ХИ да Ака-ука совчилар, 7/ХИ да Юсуф ва Зулайхо, 8/ХИ да Гул ва Навруз.

### КИНО

4 ДЕКАБРДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:  
Чайна — «ҚОНХУР ХУДОЖИЛАР» (17.00); «ОЛТИН ГАРДИШЛИ КЎЗОЙНАК» (19, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «КҮН-ФУ МАРВАРИДИ» (17, 19, 21.00). Москва — «ОЛТИН ГАРДИШЛИ КЎЗОЙНАК» (17, 20.40).

К. Ерматов номли «БЕЗОРИ ЧОЛЛАР» (тоқ соатларда) БЛКЕИ 30 йиллиги номли — «КАНЗАС» (17, 20.00). Лисунов номли — «ХАШАМАТЛИ ЕТТИЛИК» (17, 20.00).

5, 6 ДЕКАБРДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:  
Чайна — «ҚОНХУР ХУДОЖИЛАР» (11, 13, 15, 17.00); «ОЛТИН ГАРДИШЛИ КЎЗОЙНАК» (19, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «КҮН-ФУ МАРВАРИДИ» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00). Москва — «ОЛТИН ГАРДИШЛИ КЎЗОЙНАК» (11, 13, 15, 17, 20.40).

К. Ерматов номли «БЕЗОРИ ЧОЛЛАР» (тоқ соатларда) БЛКЕИ 30 йиллиги номли — «КАНЗАС» (11, 14, 17, 20.00).

Лисунов номли — «ХАШАМАТЛИ ЕТТИЛИК» (11, 14, 17, 20.00).

Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ ТУЖИМАЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОИИ ЭСКИ ЎЗБЕК ЕЗУВИНИ (араб имлоси бўйича) ўранишни хоҳловчиларни ҳамда муассас ва ташкилотларни ПУЛЛИК ҚУРСЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машгулотлар 15 декабрдан бошланади. Манзилгоҳимиз: Тошкент — 100, В. Хмельницкий кўчаси, 45-й. Телефонлар: 53-36-34, 53-38-65, 53-48-71.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ҲОЖЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙўНАЛТИРИШ МАРКАЗИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ВОСТОК» ТАЖРИБАВИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

Тошкент шаҳридаги объектларда ишлаш учун малакали дурдорлар бўғичилар, чиллар-савтехниклар, сувоқчилар, гиниш терувчилар, том ёпувчи усталар, газ-электрпайвандчилар, Мехнат ҳақи — ишбай. Қўйидаги манзилларга муурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Чилонзор даҳаси, 6-мавзе, 47-уй, 86-хонадон. Телефон 78-29-10, шунингдан Марказининг Чилонзор бўлими — Чилонзор даҳаси, 2-мавзе, 53-уй.

Саноат-қурилиш банкининг Тошкент шаҳар Ҳамза ноҳия бўлими томонидан «Пегас» кооперативига берилган 764151—764500 номерлардаги йўқолган ЧЕК ДАФТАРЧАСИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент давлат дорилфунуни физика куллиятининг жамоаси ядро ва космик нурулар физикаси кафедрасининг катта илмий ходими З. Х. Даудова отаси Хонимухаммад Иброҳим ўғли

ДАУДОВНИНГ вафот этганилиги муносабати билан чуқур таъзия илхор қилади.

Тошкент давлат дорилфунуни физика куллиятининг жамоаси ядро ва космик нурулар физикаси кафедрасининг катта илмий ходими З. Х. Даудова отаси Хонимухаммад Иброҳим ўғли

### «ЎЗБЕК КОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОИИДА

7 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.30 ДА 8, 9 ДЕКАБРЬ СОАТ 16 ВА 19.30 ДА

### «ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ»

«КИЗИҚЧИ — 90» КЎРИГИНИНГ ГОЛИБИ, ЛЕНИНОВОДЛИК КУЛГИ УСТАСИ

ҲОЖИБОЙ ТОЖИБОЕВ


ТОЖИКИСТОН ССЖДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ

ҚОДИРЖОН МИРАШУРОВ (7—8 декабрда)

ХУШОВОЗ ХОНАНДА АБДУРАУФ ОЛИМОВ (9 декабрда) ИЖРОСИДА

### КАТТА КОНЦЕРТ

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 41-74-30, 45-93-13.



### ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони, 1-уй)

1990 ЙИЛ 22 ДЕКАБРДАН 1991 ЙИЛ 14 ЯНВАРГАЧА БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН! ҚИШКИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

### «ЦИРҚДА АРЧА»

ЯНГИ ЙИЛ АРЧА БАЙРАМИ ТОМОШАЛАРИ

Тошопада Қорбобо, Қорқиз ва эртан қаҳрамонлари, шунингдек ўргатилган ҳайвонлар ҳам қатнашадилар.

ТОМОШАЛАР

23 декабрда — соат 16, 19.00 да.  
23 декабрда — соат 12, 15, 18.00 да.  
24—29 декабрда — соат 10, 12, 14.30, 17, 19.30 да.  
30 декабрда — соат 17, 19.30 да.  
31 декабрда — соат 17.00 да.

1 январда — соат 10.00 да.  
1—7 январда — соат 17, 19.30 да.  
8—13 январда — соат 10, 12.30, 17, 19.30 да бошланади.

Нақд пул тўлаш ва пул ўтказиш бўли билан олдиндан патталар сотиш ташкил этилган.

Касса ҳар кун соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди. 100 дан зиёд патталарга бўлган буюртмалар ноҳия кассаларида иш жойларига хизмат кўрсатади.

Маълумотлар учун телефонлар: 44-35-84, администра-тор — 44-29-04, 44-35-91.

Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирилиги

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОИИДА

14 ДЕКАБРЬ СОАТ 17.00 ВА 19.30 ДА

НУРИДИН ҚОРИДЖАРОВ

### КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР: Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист Дилмурод ИСЛОМОВ

артистлар: Мохичебра ИСЛОМОВА, Раъно ЗОКИРОВА, Мухтарам ҚОРАТОВА.

Програмmani ўтқир СИДДИҚОВ олиб боради. Патталар сарой кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилади.

«ЮБИЛЕЙ» СПОРТ САРОИИДА

28 ДЕКАБРЬ — 10 ЯНВАРЬ. КУНЛАРИ МУЗ УСТИДА ШАҲАР АРЧАСИ (совалар билан)

ТОМОШАЛАР

28 декабрда — соат 13, 15.00 да.  
28 декабрда — соат 11, 13, 15.00 да.  
31 декабрда — соат 11.00 да.  
1 январда — соат 13, 15.00 да.  
2, 3, 4 январда — соат 11, 13, 15.00 да.  
5, 6 январда — соат 11, 13, 15.00 да.  
7, 8, 9, 10 январда — соат 11, 13, 15.00 да бошланади.

Олдиндан патталар сотиш ташкил этилган ва нақд пул-сиз ҳисоб бўйича жамоа бўлиб тушишга буюртмалар қабул қилинмоқда.

Патталар, «Юбилейний» марказий спорт саройи залида ва вакиллар томонидан сотилмоқда.

Касса 19 ноябрдан бошлаб соат 10 дан 18.00 гача ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-07-33.

«ЮБИЛЕЙ» СПОРТ САРОИИДА

Тошкент шаҳридаги қўлнинг кишилик аҳолининг илтимосига кўра

10, 11, 12, 13, 15, 16 ДЕКАБРДА

Тошкентда биринчи марта Шарқ тиббиёт марказининг психотерапевти

Қодиржон ҚОРИЕВ (Наманган шаҳри)

### ДАВОЛАШ СЕАНСЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

СЕАНСЛАР 10, 11, 12, 13 ДЕКАБРДА СОАТ 18.00 ДА, 15, 16 ДЕКАБРДА СОАТ 16.00 ДА БОШЛанади.

Патталар «Юбилейний» спорт саройи кассаларида ва вакиллар томонидан сотилмоқда.

Касса соат 10 дан 19.00 гача ишлайди. Маълумотлар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-70-31.

«Вечерний Ташкент» — орган Ташкентского горнока-копартни Узбекистана и го-родского Совета народных де-путатов.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети наشريёти-нинг Мехнат Қизил Вайроқ орденили босмахонаси Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кў-часи, 32-уй.

ТЕЛЕФОНИМ: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70, 32-53-70; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Яшанбадан ташқари ҳар кун илхор ва рус тилларида мустақил чиқади.

140, 390 нухсада чоп этилади. Индекс 64690. Д — 2201 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.

### ЖАСОРАТ УНУТИЛМАЙДИ

Кимки ватан учун, халқ учун жон фидо этса, унинг номи ҳамisha ардоқда бўлади. Ҳозир, тинч пайтда ҳам аш тинчлигини кўзлаб жасорат кўрсатаётганлар бор. Кейинги беш йил ичда эл осойишталигини кўзлаган турли жиний гуруҳларга қарши матонат билан курашган ўнлаб милиция ходимлари жасорат кўрсатдилар. Афсуски, уларнинг айримлари жиноятчиларнинг қуролидан отилган ўқ туфайли бу оламдан кўз юмди.

Кунин кеча хизмат бурчинини ўташ пайтида ҳалок бўл-галарининг хотирани ёдга олиш кечаси бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси ташаббуси билан уюштирилган бу кечада ҳалок бўлган милиционерларнинг ота-оналари, оила аъзолари ва ўғил-қизлари бу ерга тўпландилар.

Қаҳрамонларни ёдга олиш ва уларнинг боқувчисиз қолган оиласига ёрдам бериш бизнинг инсонийлик бурчимиздир. — дейди Тошкент шаҳар Кенгаши икромия кўмитаси ички ишлар бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, милиция полковниги Урайимжон Абдуғаниевич Абдуғаниев. — Жумҳурият Президентининг қарорига биноан ҳалок бўлган милиция ходимларининг оиласига нафақа пули оширилди. Бугун эса уларнинг ҳар бирининг оиласига 300 сўмдан ёрдам пули акратмоқдамиз. Икмо-нимиз бор экан, эл осойишталигини сақлашда, жиноятчи-ликка қарши курашда жон фидо этганларнинг оиласига ёрдам бераверамиз, уларнинг номини асло унутмаймиз. Кечада Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси партия қўмитасининг секретари, милиция подполковниги В. А. Малькин, бошқарма кассалар кенгаши раиси Н. А. Хаба-ров иштирок этдилар.

Х. МУРОДОВ.

СУРАТДА: ана шу учрашувдан даъда.



### Фидойилар

## АЪЛОЧИ ПОСБОН

Баъзан ўйлаб қолсанг: «Агар милиция бўлмаса нима бўларди? Кўчада Давлат автомобиль текширув инспектори турмас-чи?» Тасаввур қилиш қийин эмас, ур-сурдан бошимиз чинмай қоларди. Яхшиямки, бахтимизга милиция бор. Бирор кор-хол рўй берса дарров милицияга чопамиз, ёрдам сўраймиз. Аммо биз ҳам кўлни қовуштириб тур-маслигимиз, милицияни ел-ғизлатиб кўймаслигимиз керак. Жиноятчиликка қарши кураш бу — ҳаммаининг кеңг жамоатчиликнинг иши. Тўғри, полиция ҳам қурмансиз бўлмайди. Лекин милиция сафларида қозил, минглаб, қилни қирқ ёрувчи, виждон-ли, ҳалол, пок кишилар ме-хнат қилмоқдалар...

Милция кепитани Турсун Расулов ҳам шундайларнинг бири. У ички ишлар органи-ларига Тошкент тайберасоз-лик ишлаб чиқариш бирлаш-масининг йўлдамчиси билан келган эди. Мана орадан қариб 15 йил ўтди. У бу касбини дилдан севиб қолди. Бутун умрини, куч ва би-лимини халқнинг осойишта-лигини сақлашга бағишлади. Киров ноҳия ички ишлар бўлимида Турсунжонни ҳам-ма ҳурмат қилади. «Мили-ция аълочиси» ўзининг ши-ринсухандлиги, одамшаван-даллиги, ўз ишини пухта би-лиши билан ҳурмат розониб келаяпти.



Мурад ХАЛИЛОВ. СУРАТДА: участка инспектори Турсун Расулов.

### Муштарий ташанкури

## РАҲМАТ!

Мен яқинда Тошкент шаҳрига иш билан келиб, «Фарход» бозори олдиде боширтим ва бор пулим (хамёнини)ни ўтирилатиб қўйдим. Фуқаро кийимиде чўнтаккиссавурларни кузатиб юрган миришаб ходимларининг эгичил ва чаққонлиги туфайли ўтирилган нарсаларини қайтариб олдим.

Рўзномангиз орқали ёш милиция ходим-лари М. Рафқоров, Р. Сағитов ва Э. Саидов-ларга ўз миннатдорчилигини билдирмоқ-чиман. Раҳмат! С. ИБРОҲИМОВА, ҚҚМЖ, Беруний шаҳри, Мичурин кўчаси, 13-уй.

### Шунақаси ҳам бўлади

## ҚАЛБАКИ ДОЛЛАР

Ўтган ҳафтада Тошкент шаҳрида 435 та жиноят содир этилди. Ушбу жиноятларнинг 246 таси шаҳар ички ишлар ходимлари томонидан фож этилиб, дастлабни тергов ишлари олиб бориламоқда.

лиги аниқланиб, текшириш учун экспертизага юборилди.

8 ноябрь кунин шаҳар давлат авто-мобил текширув бошқармасига ҳайдовчи Б. Айходжаевнинг «Саодат» дўконидан унга қарашли «ГАЗ 24» маркали, давлат номери м 25—24 ТН рақамли автомобил-лини номаълум киши томонидан олиб қочилганлиги тўғрисида хабар тушди. Ҳам-за ноҳияси автомобиль текширув бўлими ходимлари Қошимуртов ва Абдуллаев-ларнинг тезорорлик билан қилган ҳаракат-лари натижасида Тузель қишлоқ Кенгаши олдиде 1961 йилда туртилган Б. Одилов олиб қочилган автомашини билан қўлга олинди. Автомашини ўз эгасига қайтариб берилди.

12 ноябрь кунин соат кундузги 15 лар-да шаҳримизнинг «Тошкент» автоқозалида Жетисой шаҳридан келган 1944 йилда ту-ғилган Таисекованинг бўйиндаги қиммат-баҳо тилла таринчоғини юлиб олиб қочиб кетилганлиги ҳақида Чилонзор ноҳияси ички ишлар бўлимига хабар берилди. Участко инспекторлари Қалимуллин ва Абдуллаев-лар жабрланувчи аёл татрифтаб берган тақдир қиёфали жиноятчиларни бирма-бир қўздан кеչираётиб, яна шу воқеада 1975 йилда туртилган 36-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси К.ни қўлга олдилар. Жабр-ланувчи билан талончи юзлаштирилганида К.нинг тақинчоқларини қайтариб бериши-дан ўзга чораси қолмади. Дастлабни тергов ишлари олиб бориламоқда.

Жумҳуриятимизга даволашиш учун кел-ган Греция фуқароси Хасисте Атанасиос чет эл фуқаролари учун хизмат қилувчи «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг баридан бир шиша шампаня виносини сотиб олиш-учун бармен қўлига 50 сўмлик АҚШ долларини тутқазди. Долларни синчковлик билан кузатган бармен унинг қалбақчили-гини билиб қолди, бу ҳақда милицияга ха-бар қилди. Грециялик фуқародан яна шу-нга ўқашш икки донда 50 сўмлик доллар бор-

«Юнош» ширкати ишчиси А. томо-нидан Ленин ноҳияси ички ишлар бўлими-га номаълум кишилар А.дан 2 минг сўм талаб қилётганликлари ҳақида хабар бер-ди. Кечки соат 18.0